

**СПОРТ КУРАШИ ТУРЛАРИГА САРАЛАШ ВА ЭРТА ЙУНАЛТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**  
**Хамиджонов Абдулазиз Усубжон ўғли**

Наманган давлат университети Спорт фаолияти кафедраси в.в.д., доцент п.ф.б.ф.д., (PhD),

*Abdulaziz19931910@mail.ru* Tel: +99899-396-50-36

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8374615>

**Аннатация:** Ушбу мақолада кураш турларига саралаш ва эрта йўналтиришнинг илмий-амалий асослари ўрганилган хамда илмий услубий адабиётлар тахлили, мавзуни долзарблиги, илмий-амалий ахамияти, мақсади, хулоса ва амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Спорт кураши, саралаш, эрта йўналтириш, илмий-амалий асослари, тизим, такомиллаштириш, тайёрлов, қобилият, педагогика, тиббий ва биологик, психалогик, социологик, меъзонлар.

**НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОТБОРА И РАННЕЙ  
УНИФИКАЦИИ ДЛЯ СПОРТИВНОЙ БОРЬБЫ**

**Аннотация:** в данной статье исследуются научные и практические основы отбора и ранней ориентации на виды борьбы, а также научно-методическая литература, актуальность темы, научная и практическая значимость, цель, заключение и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** спортивная борьба, квалификация, раннее объединение, научно-практические основы, система, совершенствование, подготовка, способности, педагогика, медико-биологические, психологические, социологические, проповеди.

**SCIENTIFIC AND PRACTICAL BASIS OF SELECTION AND EARLY  
UNIFICATION FOR SPORTS WRESTLING**

**Xamidjonov Abdulaziz Usubjon oglı**

**Abstract:** this article examines the scientific and practical foundations of selection and early orientation to the types of wrestling, as well as scientific and methodological literature, the relevance of the topic, scientific and practical significance, purpose, conclusion and practical recommendations.

**Keywords:** wrestling, qualification, early association, scientific and practical foundations, system, improvement, training, abilities, pedagogy, biomedical, psychological, sociological, sermons.

**КИРИШ**

Жаҳон спортида эришилган ютуқларнинг тез суръатлар билан ўсишида спорт захираларини тайёрлашнинг янги ва янада самарали восита, усул ва ташкилий шаклларини тинимсиз излашни талаб этади. Бундан ташқари спорт билан шуғулланишни хоҳловчи болаларни спорт турларига йўналтириш ва саралаб олиш тизими ҳам бугунги кундаги юртимизда сийёсат даражасига кўтарилиган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан “Иқтидорли спортчиларни танлаб олиш-селекция ишларини такомиллаштириш бўйича янги тизим жорий этиш юзасидан хукумат қарор ва фармонлари имзоланмоқда”, бу эса соҳа мутахассислари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Спорт кураши турларига болаларни сараш тизими ишлаб чиқиш, ушбу спорт турларига болаларни қайси ёшдан қабул қилиш, қандай мейёрлар асосида болаларни кураш

спорт турларига саралаб олиш каби мухим саволларни хал қилишда мақсадида, республикамизда фаолият олиб борувчи спорт кураши мураббийлари ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди.

Ф.А.Керимов (2018) томонидан ишлаб чиқилган сўровнома саволларидан намуна олган ҳолда ишлаб чиқилди. Адабиётлар ва мавзуга оид дессертациялар тахлиллари натижаларига таянган ҳолда, хар хил иш стажига эга бўлган, қолаверса турли хил гурухларда машғулотлар олиб борувчи 76 нафар мураббийлар ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Қатор муаллифлар жумладан Губа В.П. (2003) шундай дейди биз нозик даврларни кўздан қочирмаслигимиз керак, чунки бу вақтда восита сифати муваффақиятли ривожланган ва уларнинг барчаси, одатда, 10 ёшга келиб шаклланади ва спорт саралови 8 дан 13 ёшгача амалга оширилади. Турли локомотор актларни ўрганиш учун қулай вақтдан фойдаланмаслик ҳақида хулоса чиқарилади, бу кейинчалик тананинг потенциал имкониятларини тўлиқ амалга оширишга олиб келади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики биз спорт курашига айнан неча ёшдаги болаларни саралаб олиш кераклигини, қайси ёшда ушбу спорт турига кириб келган болалар юқори натижаланга эришиши энг мухими олинган маълумотлар келажакда ўзини оқлаши кераклигини билиб биз қуидаги саволномаларни респондентларга тақдим қилдик (1.1-жадвал).

Респондентлар спорт кураши турларини танлашда адашиш 9 ёшда бу ҳолат 27.5% кузатилса, 10 ёшдаги болаларда 23% ни, 11 ёшли болаларда 16.5% ни, 12 ёшли болаларда 14,5% ни ташкил қилган бўлса, 13 ёшдаги болаларда 10 % ни, 14 ёшли болаларда 8.5% ни ташкил қилди. Олинган маълумотларга суюнган ҳолда амалга оширилади, демак 11-14 ёшгача бўлган болаларда спорт турини танлашда, бошқа ёшдаги болаларга нисбатан адашмас экан бу эса саралашни айнан 11-14 ёшли болаларда олиб бориш мумкинлигини асослайди.

Спорт кураш турлари қайси ёшдаги болаларни БТГ қўпроқ қабул қиласиз мазмунидаги саволга респондентларнинг жавобларининг 12% и 9 ёшдаги болаларни қабул қилишларини кўрсатишган бўлса, 10 ёшли болаларни 15%, 11 ёшли болаларни эса 26%, 12 ёшли болаларни 29%, 13 ёшли болаларни 10%. 14 ёшли болаларни эса 8%, респондентлар қабул қилишларини кўрсатди. Демак бошланғич тайёрлов гурухларига болаларни саралаш 11-12 ёшли болаларда амалга ошириш қулайроқ имконият беради.

Ёш курашчиларни мусобақа баҳсларидан қўрқиши ҳолати, респондентларнинг 25% 9 ёшли болаларда кузатилишини қайд этишган бўлса, 21% 10 ёшли болаларда кузатилишини сўровнома натижалари кўрсатди. 11 ёшли болаларда 13%, 14 ёшли болаларда 11% ни ташкил қилди. 13 ёшли болаларда 16%ни, 14 ёшли болаларда 14%ни ташкил қилди. Юқоридаги натижаларга кўра нисбатан 11-12 ёшли болаларда мусобақа жараёнидан қўркув хисси камроқ кузатилишини сўровнома натижалари кўрсатди.

Ёш курашчилар қайси ёшда ўз иқтидорини тўлиқ намоён қила олади мазмунидаги саволномага, респондентларнинг 14% 9 ёшдаги болаларни кўрсатишган бўлса, 15% эса 10 ёшли болаларни кўрсатиши, 22% 11 ёшли болалар кўрсатишган бўлса, 23% 12 ёшли болаларни белгилашди. респондентларнинг 14% 13 ёшли болалар иқтидорини тўлиқ намоён қиласи деб кўрсатишган бўлса, 12% эса 14 ёшли болалар иқтидорини намоён қиласи деб танлашди. Юқоридаги саволнома натижаларига таяниб тадқиқотни 11-12 ёшли болаларда

олиб бордик чунки бошқа турли хил ёш даврларига қараганда ўз иқтидорини кўпроқ намоён қила олиши айнан 11-12 ёшли болаларда тадқиқот ўтказиш лозимлигини асослайди.

Қайси ёшдаги болалар спорт кураши техникасини тезроқ эгаллайди мазмунидаги саволга респондентларнинг 15%, 9 ёшли болаларни кўрсатиши, 17% эса 10 ёшли болаларни кўрсатишган бўлса, 20%, 11 ёшли болаларда, 24%, 12 ёшли болаларда, 13%, 13 ёшли болалар, 11%, 14 ёшли болалар техникани тезроқ ўзлаштириши мумкинлиги сўровнома натижаларида акс этди. Сўровнома тахлили шуни кўрсатадики 11-12 ёшли болалар белбоғли кураш техникасини қолган ёшдаги болаларга нисбатан яхши ва тез ўзлаштиришини кўрсатди. кураш билан шуғулланишда ушбу спорт турига мослаша олмаслик ҳолати 19.5%, 9 ёшли болаларда кузатилиши, 16.5%, 10 ёшли болаларла кузатилиши, 11%, 11 ёшли болаларда, 13% 12 ёшли болалар мослашишда қийинчиликларга дуч келишини кўрсатган бўлса, 17%, 13 ёшли болаларда,

**Спорт курашига болаларни саралашда ёш даврларининг табақалаштирилиши (Анкета сўровномаси асосида)**

T/p	Болаларни спорт курашига саралашда ёш даврларининг ўрни	9 ёш	10 ёш	11 ёш	12 ёш	13 ёш	14 ёш
1	Спорт кураши турларига танлашда адашиш	27.5%	23%	16.5%	14.5%	10%	8.5%
2	Кураш спорт турларига қайси ёшдаги болаларни БТГ кўпроқ қабул қиласиз	12%	15%	26%	29%	10%	8%
3	Ёш курашчиларни мусобақа баҳсларидан кўркиш ҳолати	25%	21%	13%	11%	16%	14%
4	Ёш курашчилар қайси ёшда ўз иқтидорини тўлиқ намоён қила олади	14%	15%	22%	23%	14%	12%
5	Қайси ёшдаги болалар спорт кураши техникасини тезроқ эгаллайди	15%	17%	20%	24%	13%	11%
6	Спорт кураш турлари билан шуғулланишда ушбу спорт турига мослаша олмаслик	19.5%	16.5%	11%	13.5%	17%	22.5%
7	Машғулот юкламаларига бардош берга олмаслик	22.5%	19%	15%	13%	16.5%	14%
8	Жамоа билан ўзаро муносабатларга кириша олмаслик	20%	18%	17%	15%	19%	11%
9	Қайси ёшдаги болаларга кураш техникасини ўргатиш осонроқ бўлади	14%	16%	21%	23%	15%	11%
10	Барча усуулларни ўзлаштира олмаслик	18%	16.5%	10%	12.5%	21%	22%
11	Қайси ёш даврида спорт курашига қабул қилинган болалар тезроқ умумий жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларида ўсиш сезилади	15%	18%	21%	24%	12%	10%
12	Қайси ёш даврида спорт курашига қабул қилинган болалар тезроқ махсус жисмоний тайёргарлиги яхшиланади	11%	13%	24%	26%	14%	12%
13	СУН разрядидини олган спортчилар кўпроқ қайси ёшда спорт тури билан шуғулланишини бошлаган	10%	15%	20%	24%	16%	14%
14	СУ разрядидини олган спортчилар кўпроқ қайси ёшда спорт турига кириб келган	8%	15%	25%	28%	12%	10%
15	ХТСУ разрядидини олган спортчилар кўпроқ қайси ёшда спорт турига кириб келган	7%	14%	27%	29%	14%	9%
	Жами 100 % да тақсимот	15,9	16,8	20,3	20,6	14,6	11,8

22.5%, 14 ёшли болаларда курашга мослаша олмаслик ҳолати кузатилиши белгилашди. Натижалар шуни кўрсатадики 11-12 ёшли болалар ушбу спорт турига мослашиш жараёни осонроқ кечишини кўрсатди, бу мослашиш ёки мослаша олмаслик спортчини келажакда ушбу спорт туридаги келгуси натижаларини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Бу борада С.С.Тажибаев 25% болалар спорт турига мослаша олмасдан спорт турини тарқ этиши мумкинлигини ўз тадқиқотларида исботлаган. Биз эса болаларни белбоғли курашга саралашда 11-12 ёшли болаларни тадқиқот гуруҳига жалб қилишим айни муддао бўлади, сабаби бу ёш гуруҳидаги болалар спорт турига мослашиши осонроқ кечиши респондентлар жавобларида кўрсатилди.

Машғулот юкламаларига бардош берга олмаслик, 9 ёшли болаларда 22,5%, 10 ёшли болаларда 19,5%, 11 ёшли болаларда 15%, 12 ёшли болалар 13%, 13 ёшли болаларда эса


16,5%, 14 ёшли болаларда 14% болалар машғулот юкламаларига бардош бера олмаслиги кузатилди. Кўриниб турибиди машғулот юкламаларига бардош бера олмаслик жараёни спортчини кейинги натижаларини ва спорт тури билан шуғулланиш ҳолатини ҳам белгилаб беради. В.Б. Антопин, (2006) С.С.Тажибаев(2017) ўз тадқиқотида болалар машғулот юкламаларига бардош бера олмаса уларнинг 61% спорт турини тарк этади. Энди биз томонимиздан олдинга сурилаётган ғоя, яъни болаларни қайси ёшда саралаб олинса улар машғулот юкламаларига бардош бера олади энг яхши ёш даври бунда 11-12 ёшли болалар юкламаларга бардошлироқ деб респондентлар томонидан кўрсатилди. Бу эса биз саралашда 11-12 ёшли болаларни тадқиқотга жалб қилиниши кераклигини олинган натижажаларда асосланди.

Жамоа билан кириша олмаслик 9 ёшли болаларда 20%, 10 ёшли болалар 18%, 11 ёшли болалар 17%, 12 ёшли болалар 15%, 13 ёшли болалар 19%, 14 ёшли болалар 11% ни кўрсатди, жамоа билан тил топишиб кетиш бу жуда муҳим жараён ҳисобланади, бир қатор олимлар илмий изланишлари шуни кўрсатадики, кўплаб болалар жамоа билан кириша олмаслиги 38,9% болаларни ушбу спорт турини ташлаб кетишларини сабаб бўлади, респондентлар жавобларини таҳлил қилинса, нисбатан энг яхши тил топишиб кетадиган ёш даври бу 11-12 ёшни кўрсатди. Бу биз айнан шу ёшдаги болалар билан ишлашга янада ундейди.

Қайси ёшдаги болаларга кураш техникасини ўргатиш осонроқ бўлади, 9 ёшли болаларда 14%, 10 ёшли болаларда 16%, 11 ёшли болаларда 21% 12 ёшли болаларда 23%, ташкил қилган бўлса, 13 ёшли болаларда 15%, 14 ёшли болаларда 11% ни ташкил қилиниши респондентлар жавоблари натижалари юқоридани натижаларни кўрсатди. Бир қатор муаллифлар ўз тадқиқотларида ҳар хил спорт турларида техник харакатларни эгаллаб олиш айнан ёш даврларига боғлиғ ҳисобланиши исботланган. Шундай экан биз белбоғли кураш спорт турига ҳам техникини эгаллаш учун энг қулай ёшни респондентлар жавоблари ёрдамида аниқлаб олдик, бу ёш даври 11-12 ёшни кўрсатди, бу ёшда қолган ёш даврларига нисбатан техника эгаллаш анча осонроқ кечиши олинган натижаларда асосланди.

Барча усулларни ўзлаштира олмаслик деган мазмундаги саволга респондентлар қуидагича жавоб берди, 9 ёшли болаларда 18%, 10 ёшли болаларда 16,5%, 11 ёшли болаларда 10%, 12 ёшли болаларда 12,5%, 13 ёшли болаларда 21%, 14 ёшли болаларда эса 22% ни ташкил қилди.

Кураш спорт турларига қабул қилинган болаларда қайси ёш даврида тезроқ жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларида ўсиш сезилади мазмундаги саволимизга респондентларнинг жавоблари қуидагича, 15% респондентлар 9 ёшли болаларда 18%, 10 ёшли болаларда 21%, 11 ёшли болаларда 24%, 12 ёшли болаларда 12%, 13 ёшли болаларда 10%, 14 ёшли болаларда ўсиш ҳолатларини кузатиши сўровнома натижаларида акс этди. Спорт кураш турларига қабул қилинган болаларда қайси ёш даврида тезроқ маҳсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларида ўсиш сезилади мазмундаги саволимизга респондентларнинг жавоблари қуидагича, 11% респондентлар 9 ёшли болаларда 13%, 10 ёшли болаларда 24%, 11 ёшли болаларда 26%, 12



**1.1.-расм. Спорт кураши турларига саралашда истиқболли ёш даврлари**

ёшли болаларда 14%, 13 ёшли болаларда 12%, 14 ёшли болаларда ўсиш ҳолатларини кузатиши сўровнома натижаларида акс этди.

Спорт усталигига номзод (СУН) разрядини олган спортчилар кўпроқ қайси ёшда спорт кураши билан шуғулланишни бошлаган мазмунидаги саволимизга, респондентлар 10% 9 ёшли болаларда, 15% 10 ёшли болаларда, 20% 11 ёшли болаларда, 24% 12 ёшли болаларда, 16% 13 ёшли болаларда 14% 14 ёшли болаларда. Респондентлардан олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, спорт усталигига номзод разрядини бажарган курашчиларнинг энг кўп қисми белбоғли кураш 11-12 ёшида шуғулланишни бошлаганлигини кузатиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, биз курашга саралашни 11-12 ёшли болаларда олиб боришимиз бўлажак спорт усталигига номзодларни саралаб олишни кафолатлади.

Спорт устаси (СУ) разрядини олган спортчилар кўпроқ қайси ёшда спорт кураши билан шуғулланишни бошлаган деган мазмундаги саволга респондентларнинг 8%, 9 ёшли болаларда, 15%, 10 ёшли болаларда, 25%, 11 ёшли болаларда, 28%, 12 ёшли болаларда, 12% 13 ёшли болаларда, 10%, 14 ёшли болаларда кузатилди.

### **ХУЛОСА**

Бундан кўриниб турибдики, биз спорт курашига саралашни 11-12 ёшли болаларда олиб боришимиз бўлажак спорт усталарини саралаб олишни кафолатлади. Халқаро тоифадаги спорт устаси (ХТСУ) разрядини олган спортчилар кураш спорт турлари билан неча ёшдан шуғулланишни бошлаган саволимизга респондентларнинг 7% курашчилар, 9 ёшдан 14% курашчилар, 10 ёшдан 27% курашчилар, 11 ёшдан 29% курашчилар, 12 ёшдан 14% курашчилар, 13 ёшдан 9% курашчилар 14 ёшдан белбоғли кураш билан шуғулланишни бошлаган. Юқоридаги сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, 11-12 ёшдан белбоғли кураш билан шуғулланиш ушбу спорт тури техниксини эгаллаш учун энг қулай ёш деб кўриб чиқилди, бундан ташқари, бу ёшда қолган ёш даврларига нисбатан техникани эгаллаш анча осонроқ кечиши олинган натижаларда асосланди. Кейинги ўринда ушбу спорт турида юқори натижаларга эришган Жаҳон ва Осиё чемпионлари З.С. Артиков, Р.У.Умаров, Ж.Х.Абдулхаев каби белбоғли кураш фахри бўлган спортчилар ҳам айнан 11-12 ёшлигидан белбоғли кураш билан шуғулланишни бошлашган. Бу эса ўз навбатида спорт кураши техник элементларини бажаришда болалар 11-12 ёшга тўлганда тўлақонли бажаришга тайёр бўлиши тадқиқот давомида кузатилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услулияти. ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими. 2018.-С. 198-190.
2. Керимов Ф.А. Якка кураш элементларига эга бўлган харакатли ўйинлар. Илмий техника ахбороти-пресс, 2020.-79 б.
3. Керимов Ф. А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Тошкент, 2021, 334 б.